

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Фаргона вилоят ҳокимлиги

"Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати" директори

Х.Долимов

2022й "



ҚУРИЛИШНИНГ ТИТУЛ РҮЙХАТИ

Учкўприк тумани "Фаровон" МФЙ Калтатой қишлоғидаги 15-мактаб филиали реконструкция
2022 йил Манзилли дастурига асосан

1 Бўлим. Қурилиш бўйича асосий маълумотлар

1. Объектлар номи ва манзили	Учкўприк тумани "Фаровон" МФЙ Калтатой қишлоғидаги 15-мактаб филиали реконструкция				
2. Соҳа	ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ				
3. Инвестор					
4. Буюртмачи	"Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати"				
5. Ишлаб чиқувчи:					
5.1. ТИА					
5.2. ЛСЖ ва/ёки ТЖ	"Smart Projekt Innovation" МСНЖ				
5.3. Экспертиза	"Шахарсозлик хужжатлари экспертизаси" ДУК Фарғона вилояти				
6. Пудратчи	"SAB STROY 7" МЧЖ				
7. Молиялаштириш манбаси	Давлат бюджети				
8. Қурилиш бошланиш ва фойдаланишга топшириш йили	2022-2022				
9. Қурилишнинг асосий кўрсаткичлар	Объектнинг умумий қиймати	01.01.2022й ҳолатига қолдиқ			
Лойиҳа қуввати (тегишли бирликлар бўйича)	96	96			
Асосий фондлар	1295,449	1295,449			
Капитал қўйилмалар	1295,449	1295,449			
Қурилиш - монтаж ишлари	1238,371	1238,371			
Жихоз					
Буюртмачи бошқа ҳаражатлари	44,694	44,694			
Буюртмачи сақлаш ҳаражатлари	12,384	12,384			
2022 йил тасдиқланган манзилли дастурига асосан ажратилган лимит	жорий нарҳда млн.сўм				
Топшириладиган қувват (тегишли бирликлар бўйича)	96				
Асосий фондлар	1295,449				
Капитал қўйилмалар	1233,530				
Қурилиш - монтаж ишлари	1176,452				
Жихозлаш					
Буюртмачи бошқа ҳаражатлари	44,694				
Буюртмачи сақлаш ҳаражатлари	12,384				
2 Бўлим. 2022 йил чораклар кесимида ажратилган лимит	(жорий нарҳда, млн.сўм)				
	ЖАМИ	шу жумладан:			
		I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
Топшириладиган қувват (тегишли бирликлар бўйича)	96			96	
Асосий фондлар	1295,449			1295,449	
Капитал қўйилмалар	1233,530		242,834	910,201	80,495
Қурилиш - монтаж ишлари	1176,452		185,756	910,201	80,495
Жихозлаш					
Буюртмачи бошқа ҳаражатлари	44,694		44,694		
Буюртмачи сақлаш ҳаражатлари	12,384		12,384		

ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАРИ

(буюртмачи тўлдиради)

1. Инвестиция лойиҳани амалга ошириш Вазирлар Маҳкамаси Раёсат мажлисининг

2022й 14.03. 40-сон баёни ва 2022 йил Манзиллий Дастурига асосан

(инстанциянинг номи ва қабул қилган қарорнинг рақами ва санаси)

2. Лойиҳанинг экспертиза хулосаси 40081-сон 06.05.2022й

(хулосанинг рақами ва санаси)

3. ТИА (ЛСЖ) тасдиқланган Вилоят ҳоқими ўринбосари томонидан

(ТИА (ЛСЖ) тасдиқлаш қарорининг рақами ва санаси)

4. Қачон тендер (танлов) ўтказилди Лот №95520 95520-сон 05.06.2022й

(санаси)

5. Тендер (танлов) ёлиби "SAB STROY 7" МЧЖ

(Қурилиш пудрат ташкилоти номи)

6. Шартнома 07.06.2022й №133 1 238,371 млн.сўм.

(№, дата, сумма)

7. Лойиҳа ҳужжатларини қурилиш-монтаж ишлари билан параллел равишда олиб бориш руҳсатнома

(инстанциянинг номи ва руҳсатноманинг рақами ва санаси)

8. Тендерсиз лойиҳани амалга ошириш руҳсатномаси

(инстанциянинг номи ва руҳсатноманинг рақами ва санаси)

9. Лойиҳанинг қисқача маълумот ва мақсади

Вазирлар Маҳкамаси Раёсат мажлисининг 2021й 12.04. 36-сон баёнига

4-сон иловадаги қушимча объектлар


10. Молиялаштириш схемаси пул ўтказиш

11. Импортга талаб ташкил этади _____ млн. АҚШ дол. шу жумладан:

- жиҳозлар сотиб олишга _____ млн. АҚШ дол.;
- хом ашё сотиб олишга _____ млн. АҚШ дол.;
- бажарилган иш ва хизматлар _____ млн. АҚШ дол.;
- чет эл кредитини қоплашга _____ млн. АҚШ дол.

БУЮРТМАЧИ

Директор ўринбосари



БОШ ПУДРАТЧИ

"SAB STORY-7" МЧЖ

Директор



Д.Абдуллаев

**Танлов асосидаги
ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 133**

ФАРФОНА ШАҲРИ

2022 йил 13 июнь

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Фаргона вилоят ҳокимлиги «Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати» номидан Низом асосида иш кўрувчи директори Ҳ.Долминов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «SAB STORY-7» масъулияти чекланган жамияти номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Д.Абдуллаев иккинчи томондан «Учкуприк тумани «Фаровон» МФЙ Калтатой қишлоғидаги 15-сонли умумтаълим мактаби филиалини реконструкция қилиш» объектига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I.Тарифлар

1.Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қўдаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар; қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади; вақтинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар; беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар; шартнома нарҳини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш (ишлар бажариш ва молиялаштириш жадваллари).

II.Шартнома мавзуси

2.Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан «Учкуприк тумани «Фаровон» МФЙ Калтатой қишлоғидаги 15-сонли умумтаълим мактаби филиалини реконструкция қилиш» объектида лойиҳада кўзда тутилган ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Фазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III.Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар юзасидан ЛОТ-95520 бўйича ўтказилган танловнинг 2022 йил 5 июнь кунги баёни билан тасдиқланган ишлар қиймати қўшимча қиймат солиғи ва 12 % ЯИТни ўз ичига олган ҳолда жорий нарҳларда 1 238 370 559 (бир миллиард икки юз ўттиз сажиз миллион уч юз етмиш минг беш юз эллик тўққиз) сўмни ташкил этади.

4.Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:- қурилиш қийматини кўпайтириш енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;-ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;-объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5.Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нарҳларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6.Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV.Пудратчининг мажбуриятлари

7.Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга " " иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нарҳидаги ишларни энг камида 50 % ўз кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ва унга ҳисоботларни ойма-ой буюртмачига топшириш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ муддатида тугатиб топшириш;-___иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш; қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;-қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;-қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;-мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;-қурилиш майдони қўриқлигини таъминлаш;-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8.Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 % дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши, шунингдек, объектда бажарилган ишлар юзасидан тўлиқ ҳисоботларни ва объектни фойдаланишга қабул қилиш ҳақидаги ишчи ҳайъати далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига тақдим қилади ҳамда объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V.Буюртмачининг мажбуриятлари

9.Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи;-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, уч кун муддатда мазкур шартномага 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;-Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;-Объект махсус ҳисоб варағига маблағлар берилганидан сўнг молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;-мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI.Ишларни бажариш муддатлари

10.Шартнома:-миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб;-кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – шартнома қонун ҳужжаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11.Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12.Қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 118 кунни ташкил этади ва объект 2022 йил "11" Октябрда фойдаланишга топширилади.

13.Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

14.Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Фазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида, икки ойга тенг улушларга (ойига 15 фоиздан) бўлган ҳолда аванс ўтказиши, бу 185 755 583 x 2 = 371 511 167 (уч юз етмиш бир миллион беш юз ўн бир минг бир юз олти етти) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун объект махсус ҳисоб рақамига маблағлар ажратилганидан сўнг ойлик бажарилган ишлар ҳисоб-фактуралари ҳамда молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1,2 илова).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолинган ҳолда, ойма-ой бажарилган ишлар учун Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг объект умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб, яъни объектнинг шартномавий жорий қийматининг 5% қурилиш тугалланган объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан сўнг, кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин, вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг, Пудратчи томонидан объектнинг фойдаланувчисидан кафолат муддатида объектда камчиликлар аниқланмаганлиги ҳамда кафолат суммасини тўланишига эътироз йўқлиги ҳақидаги маълумот тақдим этилганидан кейин амалга оширилади, ушбу ҳужжатлар Пудратчининг айби билан ўз вақтида Буюртмачига тақдим этилмаганлиги сабабли даъво муддати ўтган ёки ажратилган маблағ бюджетга қайтганлиги сабабли тўлов амалга оширилмаган ҳолларда Буюртмачи Пудратчи олдида мулкӣ ва бошқа тусда жавобгар ҳисобланмайди.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник аудиторни ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибини таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нўқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нўқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нўқталарида янгидан қўрилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларига мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб, уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса ва уларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда ўз ҳисобидан қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаसा, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради, озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб бермаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни уч кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни қўриқлаш.

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзга келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан, яъни Пудратчи объектни фойдаланишга қабул қилиш ҳақидаги ишчи ҳайъати далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиршномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади фойдаланувчига 1-ой муддат ичида топширилиши шарт.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи: -барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; -лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажарилишини таъминлаши лозим; -ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини; -ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни; -объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 йил этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектуручилиш назорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи: -шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда; - Пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни сусти бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунга қадар истаган вақтида шартномадан воз кечиши мумкин. Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга ёзма равишда билдиришнома юборади. Буюртмачи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи: ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда; Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга 3 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, объект ҳисоб рақамига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди. Вилоят молия бошқармасидан объектнинг Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ берилмаганлиги сабабли, тўловни амалга оширмаганлиги учун Буюртмачи Пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

60. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

61. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош торганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош торган сумманинг 5 фоизи миқдорига жарима тўлайди.

62. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

63. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 100 фоизи миқдориде жарима ундириш ҳуқуқига эга.

64. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

65. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

65. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

-коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик;

-шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;

-томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;

-агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

XVI. Низоларни ҳал қилиш

66. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низолар масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XVII. Алоҳида шартлар

67. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

68. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

69. Мазкур шартномага барча ўзгартиш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

70. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

71. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишларни якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳаққидир.

72. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

73. Мазкур шартнома Фарғона вилоят Ҳазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ҳамда 2023 йил 31 декабр гача амалда бўлади. Шартнома 3 (уч) нусхада тузилди. Учала нусха айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Пудратчи”

“SAB STORY-7” МЧЖ

Манзил: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 10 квартал, 346 уй

х/р: 20208000305078857001

Банк номи: “Алоқабанк” Тошкент шаҳар,

Миробод бўлими

Тел: 91-686-44-77

МФО: 00401

СТИР: 306437147

Раҳбар:

Д. Абдуллаев

“Буюртмачи”

Фарғона вилоят ҳокимлиги «Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати»

Манзил: Фарғона ш. Темирйўл к. 37 уй

Тел./факс: 224-52-24

шғх: 100 218603040180 965 21015 030

СТИР: 204 816 336

ОКЭД-70220

Фарғона вилояти бўйича Ҳазначилик бошқармаси

ЯҒХ: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МФО: 00014 Ҳазначилик бўлинмасининг

СТИР: 201 122 010

Раҳбар: Х. Долимов

Ҳуқуқий хулоса

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъерий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Бош юристконсульт

М.М. Маматқулов

Ҳуқуқий хулоса

Буюртмачи вилоят ҳокимлиги «Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати» ва пудратчи “SAB STORY-7” масъулияти чекланган жамияти ўртасида тузилган 2022 йил 07-й кунги 153-сонли пудрат шартномада “Учқуприк тумани “Фаровон” МФЙ Калтатой қишлоғидаги 15-сонли умумтаълим мактаби филиалини реконструкция қилиш” ишларини бажариш белгиланган. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни бошқа меъерий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Пудратчи юристи

М.у.

МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

давлат маблағ ҳисобидан

Учкўрлик тумани "Фаросон" МФЙ Каплаттой қишлоғидаги 15-мактаб филиали реконструкция

млн.сум.

Молиялаштириш шартлари	2022 йил												2023 йил	Жами		
	январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь				
1 <u>Шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматидан 30% аванс</u>						185,756	185,756							371,512		371,512
2 <u>Жорий молиялаштириш берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда</u>						265,849	265,849	289,596	169,000	80,495				804,940		804,940
ЖАМИ						185,756	451,605	289,596	169,000	80,495				1 176,452		1 176,452
3 <u>5% кафолат суммаси</u>															61,919	61,919
ЖАМИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА						185,756	451,605	289,596	169,000	80,495				1 176,452	61,919	1 238,371

БҮЮРТМАЧИ:

БОШ ПУДРАТЧИ:



ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ГРАФИГИ

Учкўлрик т. Фаровон Мўйи Калтатой 15-мактаб филиали реконструкцияси бўйича

(минг сумда)

№	Иш турлари	Шартнома киймати	2022 йил												
			I-чорак			II-чорак			III-чорак			IV-чорак			
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	
1	Қурилиш монтаж ишлари	1 238 370,6						409 000,0	445 533,0	260 000,0	123 837,6				
	Жами объект бўйича	1 238 370,6	409 000,0	445 533,0	260 000,0	123 837,6

Буюртмачи:



Бош пудратчи:



СТРАХОВОЙ ПОЛИС

